

**Куннинг
муҳим
воқеалари**

Самарқандда Халқаро тўқимачилик ишлаб чиқарувчилари федерацияси (ITMF) ва Халқаро кийим-кечак федерацияси (IAF)нинг «Инновациялар, ҳамкорлик ва тартибга солиш – тўқимачилик саноати ва кийим-кечак ишлаб чиқаришнинг ҳаракатлан-тирувчи кучлари» мавзусидаги йиллик конференцияси ўтказилмоқда.

9 август куни анжуманнинг тантанали очилиш маросими ўтказилди.

Дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг анжуман қатнашчиларига табригини Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари Ж.Хўжаев ўқиб эшиттирди.

Россия Федерацияси ҳукумати раиси Михаил Мишустин 9 сентябрь куни мамлакатимизга ташриф буюрди.

Хиндистоннинг Нью-Дехли шаҳрида Осиё Олимпия кенгашининг (ООК) 44-Бош Ассамблеяси якунланди.

Ассамблеяда ташкилотнинг раҳбарлик лавозимларига сайловлар бўлиб ўтди. Унга кўра, Ража Рандхир Сингх ООК Президенти этиб сайланди. Шунингдек, 5 та минтақага вице-президентлар овоз бериш йўли билан аниқлаб олинди.

Отабек Умаров Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Эрон ва Афғонистондан иборат Марказий Осиё минтақаси бўйича ташкилот вице-президенти этиб сайланди.

Шунингдек, 44-Бош Ассамблеяда ташкилотнинг таркибий қисмларига ҳам сайловлар ўтказилди. Унга кўра, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси Бош қотиби Ойбек Қосимов ООКнинг Этика қўмитаси аъзоллигига сайланди.

Пойтахтда Вьетнам Республикасининг туризм сектори вакиллари иштирокида бизнес-форум бўлиб ўтди. Мазкур форум икки давлат ўртасида сайёҳлар алмаши-нувини кўпайтириш, Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини Вьетнамда тарғиб қилиш ва Ўзбекистон - Вьетнам туризм саноати вакиллари ўртасидаги ишбилармонлик алоқаларини мустаҳкам-лашга бағишланди.

Тошкентда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан амалга оширилаётган «Ўзбекистонда энергия самарадор кишлоқ тураржой бинолари қурилишини ривожлантиришга қўмакла-шиш» лойиҳасининг якуний тадбири бўлиб ўтди.

Ўзбекистонлик астроном олимлар Хитойнинг Саноат ва ахборот технологиялари вазирлигига қарашли Фан ва муҳандислик Харбин Технология институтини билан илмий ҳамкорлик ўрнатди.

Олимпияларимиз Хитойда қатор космик лабораторияларга ташриф буюриб, тажриба ошириди. Ташриф давомида ўтказилган тадбирларда академик Бобомурод Ахмедов ҳамда ёш профессор Ахмадjon Абдужабборов ўз маърузалари билан иштирок этди.

Марказий банк маълумотларига кўра, Ўзбекистоннинг расмий захира активлари 1 сентябрь ҳолатига 39,15 млрд. долларни (+4,7 фоиз) ташкил этиб, август ойи давомида 1,75 млрд. доллarga ошган.

Бу статистика юритилган бутун давр учун навбатдаги рекорд кўрсаткичдир.



Жамоалар

	1	2	3	4
1 Хитой	94	73	49	216
2 Буюк Британия	47	42	31	120
3 АҚШ	36	41	25	102
4 Нидерландия	26	17	12	55
5 Италия	24	15	32	71
6 Бразилия	23	25	38	86
7 Украина	21	26	32	79
8 Франция	19	27	28	74
9 Австралия	18	16	28	62
10 Япония	14	10	15	39
11 Германия	10	14	22	46
12 Канада	10	9	10	29
13 Ўзбекистон	10	9	7	26
14 Польша	8	6	9	23
15 Испания	7	10	22	39
16 Ҳиндистон	7	9	13	29
17 Колумбия	7	7	14	28
18 Бельгия	7	4	3	14

9 сентябрь куни Ислон Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида Франциянинг Париж шаҳрида бўлиб ўтган XVII Паралимпия ўйинлари ғолиблари, совриндорлари ва иштирокчилари тантанали кутиб олинди.

Ҳукумат раҳбарлари, тегишли давлат ташкилотлари мутасаддилари иштирокида Парижда якунланган ёзги Паралимпия ўйинларида муваффақиятга эришган пара спортчиларимизга Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорлари асосида пул мукофотлари сертификати, Президент совғалари бўлган «Chevrolet Tahoe», «BYD Song Plus EV Champion», «BYD Song Plus DM-i Champion» автомобиллари ва хонадон калитлари топширилди.

БИЗ СИЗ БИЛАН ФАХРЛАНАМИЗ!

Маълумки, Франциянинг Париж шаҳрида 28 август куни старт берилган XVII ёзги Паралимпия ўйинлари 8 сентябрга қадар давом этди.

Бу галги ўйинларга 65 нафар ўзбекистонлик пара атлетлар катнашди. Улар 9 та спорт туридан (пара енгил атлетика, пара таэквондо, пара ўқ отиш, пара сузиш, пара canoe, пара академик эшак эшиш, пара дзюдо, пара пауэрлифтинг ва пара велоспорт) жами 113 та лицензияни қўлга киритишганди.

Таъкидлаш жоизки, бу Ўзбекистон Паралимпияси тарихида рекорд кўрсаткич ҳисобланади. Таққослаш учун паралимпиячиларимиз 2016 йил Рио де Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган ўйинларга 32 та, Токиода бўлган ўйинларга 70 та лицензия қўлга киритган эди.

Шуниси қувончлики, ҳамюртларимиз Париж - 2024 ёзги Паралимпия ўйинларида 10 та олтин, 9 та кумуш ва 7 та бронза - жами 26 та медални қўлга киритишди. Улар

ушбу натижа билан дунёда 13-ўрин, Осиёда 3-ўрин, туркий ва мусулмон давлатлар орасида 1-ўринни эгаллашди ва бу ҳар қанча таҳсинга, шарафлашга лойиқ натижа!

Яна шуниси мамнуният билан қайд этиш жоизки, Паралимпия ўйинларида ватандошларимиз тарихий натижаларни қўлга киритишди. Масалан, Шерзод Намозов икки карра Паралимпия ўйинлари чемпионига айланди. У пара дзюдо бўйича -60 кг вазн тоифасидаги финал баҳсида грузиялик Зураб Зурабианини мағлуб этиб, икки карра Паралимпия ўйинлари ғолиби деган шарафли номга сазовор бўлди.

Шерзод Намозов бундан аввал Рио - 2016 ёзги Паралимпия ўйинларида ҳам олтин медални қўлга киритган эди. Ўзбек спортдаги яна бир тарихий воқеа шундан иборатки, ядро улоқтирувчи Ҳусниддин Норбеков энди уч карра Паралимпия ўйинлари ғолиби! Қойил! Тасанно! Пара енгил атлетика бўйича эркалар ўртасида Ф35 классда ядро улоқтириш мусобақасида иштирок этган ҳамюртимиз Ҳусниддин Норбеков 16,82 метр натижа қайд этиб, учинчи бор Паралимпия ўйинлари

ғолиби бўлган илк ўзбекистонлик спортчига айланди.

Маълумот ўрнида: Ҳусниддин Норбеков бундан аввал Рио - 2016 ва Токио - 2020 ёзги Паралимпия ўйинларида ҳам олтин медални қўлга киритган эди.

Пара енгил атлетика бўйича аёллар ўртасида Т11 классда узунликка сакраш баҳсида ҳамюртимиз Асила Мирзаёрова дастлабки уринишда 5,22 метр натижа қайд этиб, ушбу йўналишда Паралимпия ўйинлари рекордини ўрнатди. Аввалги рекорд 1996 йил Атлантада испаниялик спортчи томонидан 5,07 метр натижа билан ўрнатилган эди.

Шуниси қувончлики, олтин медаллар сони бўйича Парижда рекорд натижа қайд этилди. Яъни шу кунгача на Олимпия ўйинларида, на Паралимпия баҳсларида 10 та олтин медал олинмаган эди. Умид қиламизки, навбатдаги Олимпия ва Паралимпия ўйинларида бу рекорд янада яхшиланади.

Раҳмат сизга, юртини улуғлаётган ўғлонлар, қизлар!

Халқимиз сизлар билан фахрланади!

Алижон АБДУРАХМОНОВ
«ISHONCH»

Миннатдорлик

Иккинчи гуруҳ ногирониман. Уч нафар фарзандим бор. Айни пайтда Тошкент политехника институтининг 3-курсда сиртдан таълим оляпман. Бир мурожаатим тезда ҳал бўлгани учун ўз миннатдорлигимни газета орқали билдиришни истадим.

МУРОЖААТИМ
ТЕЗДА
ҲАЛ БЎЛДИ

Хуллас, мен Қибрай туманидаги Ногиронлар жамиятида махсус мутахассис бўлиб ишлар эдим. 11 ой ишлагач, бошқа ишга ўтишга қарор қилдим ва бўшаш ҳақида ариза ёздим. Бироқ менга ҳисоб-китоб пуллари ҳадеганда тўланавермади. Шундан кейин Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг хотин-қизлар муаммолари бўйича ишлайдиган «1211 Ишонч телефони»га мурожаат қилдим. Бунни қарангки, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, барча ҳисоб-китоб пуллари пластик картамга тушириб берилди.

Ҳозирда Қибрай туманидаги «Инсон» ижтимоий хизматлар марказида ишлапман. Бу ерда ҳам мурожаатлар кўп бўлади. Уларнинг яшаш шароитларини ўрганамиз, муаммосини ҳал этишга киришамиз. Ростига кўчсам, ўзим ҳам бир пайтлар мурожаатчи бўлганим ва мушкулим тезда ҳал бўлганидан ибрат олибми, иш фаолиятимда ёрдамга муҳтож фуқароларнинг оғирини енгил қилишга астойдил киришаман.

Мурожаатимни ҳал этишда ёрдам берган ва айни пайтда эзгу ишларга бош қўйишимга туртки берган Қасаба уюшмалари Федерациясига кўпдан кўп раҳматлар айтаман! Кимгадир ёрдамнинг тегиши чинакам бахт аслида!

Диляфрўз
МАМАЮСУПОВА
Қибрай тумани

ҲАР БИР
МИЛЛАТНИНГ
ЮРАГИ ТИЛИДИР

Ҳазрат Алишер Навоийнинг «Тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз» деган ҳикматида олам-олам маъно бор. Ҳар бир миллатнинг юраги тилидир. Тил яшаса, миллат ҳам барҳаёт бўлади.

Юртимизда ўзбек тилига бўлган эътибор кейинги йилларда янада кучайди. Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда Ўзбек тили байрами кун кенг нишонланадиган бўлди. Ҳар бир ташкилот, корхона ва идораларда давлат тилига маъсул ходимларнинг фаолият олиб бориши таъминланди. Хусусан, кимё саноати корхоналаридан бири – Чирчиқ шаҳридаги «Maxam-Chirchiq» акциядорлик жамиятида ҳам давлат тили тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ижросини таъминлаш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг май ойида корхонада «Ўзкимёсаноат» АЖ таркибига кирувчи акциядорлик жамиятлари бошқарув раисларининг маънавият ва маърифат ишлари самарадорлигини ошириш ва давлат тили қонунларига риоя этиш масалалари бўйича маслаҳатчилари иштирокида икки кунлик сайёр семинар-тренинг ташкил этилди. Семинарда ишлаб чиқиладиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, бўйруқлар ва бошқа ички ҳужжатларни давлат тилида тўғри тузиш бўйича машғулотлар ўтказилди. Сўнгги уч йил давомида 200 нафарга яқин ишчи-ходим Алишер Навоий номи-

даги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Малака ошириш маркази ўқитувчилари кўмагида давлат тилида иш юритиш бўйича малака ошириш ўқув курсларида ўз билимларини мустаҳкамлади. Машғулотлар якунида курс битирувчиларига сертификатлар ва «Давлат тилида иш юритиш» услубий-амалий қўлланмаси топширилди. Акциядорлик жамиятига тегишли ҳудудда барча ташқи ёзувлар, жумладан, пешлавлар, эълонлар, реклама ва кўргазмалар бошқа ахборот матнлари, ташқи реклама материалларининг давлат тили ва реклама тўғрисидаги қонунларга мувофиқ бўлиши таъминланди. Шунингдек, корхонанинг кириш қисмига 3x7 метр ўлчамли электрон монитор ўрнатилган бўлиб, унда юртимиз ва корхона ҳаёти акс этган янгиликлар лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосида ёритиб борилмоқда. Корхонанинг цех ва бўлимларидаги Маънавият ва маърифат хоналарини талаб даражасида бойитиш ва безатиш ишлари давом этмоқда. Шу йил давомида аммоний сульфати ва сульфат кислота ишлаб чиқариш, алоқа

цехи, ахборот-коммуникация технология бoshқармаси ҳамда автотранспорт цехининг Маънавият ва маърифат хоналари давлат тилидаги ғоявий-мафкуравий, маънавий-маърифий мавзулардаги кўргазмалар жихозлар билан тўлдирилди. Хоналардаги мавжуд ёзувлар лотин алифбосига ўзгартирилди, бадий адабиётлар билан бойитилди. Бир қатор цехлар маърифат хоналари, ишлаб чиқариш бинолари, жамоат жойлари Тараққиёт стратегиясига оид кўргазмалар қуруллар, шиорлар ва баннер-плакатлар билан жиҳозланди. Кимёгарлар боғи ҳудудида Маънавият хиббони ташкил этилди ва у ерда ҳам барча кўргазмалар давлат тилида акс эттирилди. Ҳамма цех ва бўлимларда иш юритиш ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларни лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосида ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва эълон қилиш амалиёти жорий этилди. Ишга янги қабул қилинаётган номзодлар билан давлат тилини билиш юзасидан суҳбатлар ўтказиб келинмоқда. «Тил бор – миллат бор» шиори остида «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»дан фойдаланилган ҳолда, ҳар бир сўз маъносини, шарҳи корхонанинг ижтимоий тармоқдаги саҳифасида бериб берилмоқда. Шуни таъкидлаш жоизки, корхонанинг бизнес-режасига маънавий-маърифий тадбирлар ва давлат тилини татбиқ этиш жараёнларини молиялаштириш назарда тутилган алоҳида банд киритилди. Бу ҳам тилимизга ҳар томонлама эътибор бериладиганини далолатидир.

Икром ҚУРБОНАЛИЕВ,
«Maxam-Chirchiq»
АЖ бошқаруви
раиси маслаҳатчиси

Фикр

Аёл киши уй юмушларидан ортиб, ўзи қизиққан бирор машғулот билан банд бўлсагина оила ободлигига эришиш мумкин. «Аёллар дафтари» тизими эса бу борада энг муҳим кўмакчидир.

Йил бошида Бухоро вилоятида аҳоли хонадонлари хатловдан ўтказилганда кўпгина муаммолар ойдинлашди. Олти тоифага кирувчи 59 минг 508 нафар хотин-қиз «Аёллар дафтари»га жалб қилинди. Уларнинг қарийб ярмини ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизлар ташкил этади. Қолган қисми тадбиркорлик қилиш истагини билдирганлар, боқувчисиз, ногиронлиг бoр ёки тиббий ёрдамга муҳтож, уй-жойга эҳтиёжмандлар ҳиссасига тўғри келади. – Бугунги кунга қадар «Аёллар дафтари»нинг бешинчи босқичига киритилган 59 минг 508 нафар хотин-қизнинг 38 минг 772 нафарига амалий ёрдам кўрсатилди, – дейди қасаба уюшмалари Федерацияси Бухоро вилоят кенгаши бўлим мудири Сардор Эргашев. – Масалан, биринчи тоифага киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизлардан 94,9 фоизининг бандлиги таъминланди. Тадбиркорлик қилиш истагида бўлган эҳтиёжманд хотин-қизларнинг қарийб икки минг нафарига имтиёзли кредитлар ажратиб берилди. Боқувчиси бўлмаган эҳтиёжманд хотин-қизларнинг 2 минг 682 нафарига «Аёллар дафтари» жамғармаси маблағлари ҳисобидан база-

вий ҳисоблаш миқдорининг 4 баравари миқдорига бир марталик моддий ёрдамлар ажратилди. Шу билан бирга, ушбу тоифага киритилган хотин-қизлардан 27 нафарининг уй-жойи таъмирдан чиқарилди. Тўртинчи, бешинчи, олтинчи тоифадаги хотин-қизларнинг қарийб ярмига тегишли йўналишларда амалий ёрдам кўрсатилди. Бу рақамларни биргина маҳалла мисолида таҳлил қиламиз: масалан, Когон шаҳридаги Мирзо Улуғбек маҳалла фуқаролар йиғинида 3349 нафар аҳоли истикомат қилади. Уларнинг 1658 нафари хотин-қизлардир. Ўрганишлар натижасида мана шу хотин-қизларнинг 103 нафари «Аёллар дафтари» рўйхатида киритилди. – Худудларда камбағалликни қисқартириш учун, биринчи навбатда, аҳолида тадбиркорликка қизиқиш уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, шунингдек, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш лозим, – дейди Когон шаҳрининг Мирзо Улуғбек маҳалласидаги ҳоким ёрдамчиси Хусан Жумаев. – Шу билан бирга, камбағалликдан чиқиб кетиш учун энг муҳим омил – аниқ режа ва

зарур молиявий кўмақдир. Биз фаолиятимиз давомида мана шу омиллардан фойдаланишга эътибор қаратмоқдамиз. Ҳаракатда – баракат, дейдилар. Маҳаллада оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига хотин-қизларнинг 7 нафарига имтиёзли кредит маблағлари ажратилиб, улар бизнес фаолиятига йўналтирилди. Ҳамида Ғоибовага эса миллий қандолатчилик йўналишида 30 миллион сўм миқдоридида кредит ажратилди. У мазкур ишни бошлаш орқали уч кишининг бандлигини таъминлади. Шунингдек, Сайнура Ибрагимова, Дилфуза Юлдошева ҳамда Мадина Халиловалар тикувчилик йўналишида имтиёзли кредит ажратилди. Парвина Абдуллаева, Лобар Воҳидова, Мафтуна Холиқова, Наргиза Шарипова каби тадбиркор аёлларга чакана савдо хизмати ҳамда чарм-саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида 100 миллион сўмдан ажратиб берилган имтиёзли кредит ҳисобига маҳаллада яна 15 та иш ўрни яратилди.

Дилдора
ИБРОҲИМОВА
«ISHONCH»

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН –
ЯНГИ САЙЛОВ ТИЗИМИ

Шу йилнинг 27 октябрь – яшанба куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайлови бўлиб ўтади. Конституция ва Сайлов кодексига белгиланган мuddатлардан келиб чиқиб, 26 июлдан Қонунчилик палатаси депутатлари ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайлови бўйича сайлов кампаниясига старт берилди.



тизим сайлов жараёнининг соддалиги билан аҳамиятли бўлса-да, сиёсий куч сифатида партияларнинг эмас, балки номзоднинг обрўси кўпроқ намоён бўлади.

Пропорционал сайлов тизимида сайловчилар номзодларга эмас, сиёсий партияларга овоз берадилар. Бунда сиёсий партия ўз номзодлари рўйхатини тузади ва олган овозларига муносиб равишда депутатлик ўрнига эга бўлади. Бу эса сиёсий партияларнинг жамиятдаги мавқеи ошишига хизмат қилади.

Бугунги кунда пропорционал сайлов тизими Италия, Нидерландия, Швеция, Туркия каби давлатларда самарали қўлланилиб келинмоқда.

Мажоритар ва пропорционал сайлов тизимларининг ўзаро уйғун ҳолда намоён бўлиши аралаш сайлов тизимини вужудга келтиради. Ушбу сайлов тизими Германия, Бельгия, Испания, Япония каби дунёнинг энг тараққий этган мамлакатларида қўлланилади.

Ўзбекистон тарихида илк бор Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сайловлари аралаш сайлов тизими, яъни мажоритар-пропорционал тизим асосида ўтказилиб, депутатларнинг 75 нафари бевосита мажоритар тизим асосида, яъни сайловчиларнинг ўзларига мақбул номзодларга, қолган 75 нафари эса пропорционал тизим асосида сиёсий партияларга берган овозлари асосида сайланади.

Барча даражадаги сайлов комиссиялари фаолияти ва сайлов жараёнлари иштирокчилари билан ўзаро муносабатлар тўлиқ рақамлаштирилиб, «E-saylov» ахборот тизими ишга туширилди. Натижада сайлов жараёнидаги бюрократия, ортиқча вақт сарфи ва ҳужжатлар ҳаракати қисқартирилди. Ушбу тизим бошқа электрон платформалар билан интеграция қилинган бўлиб, сайлов комиссияларининг сиёсий партиялар, номзодлар, кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари билан 60 турдаги муносабатлари тўлиқ электрон шаклда амалга оширилади.

«E-saylov» ахборот тизимидан фуқаролар ҳам сайловчилар, депутатликка номзодлар ва сайлов участкаларига оид статистик ва бошқа маълумотларни олиш имкониятига эга бўлишади.

Сайлов қонунчилиги ривожланган мамлакатларнинг демократик стандартларига мос равишда тубдан такомиллаштирилиб, депутатликка номзод сайланиши учун сайловчиларнинг кўпчилиги овозини олиши белгиланди ва номзод тегишли сайлов округида бошқа номзодларга нисбатан кўпроқ овоз олган тақдирда, депутат бўлиб сайланиши мумкин бўлди ва шу тариқа тақрорий овоз беришни ташкил этиш талаби барҳам топди.

Янги сайлов қонунчилиги талаблари асосида Марказий сайлов комиссияси томонидан жорий йилнинг 26 июлидан сайлов кампанияси бошлангани ва 27 октябрь кундаги сайлов «Менинг танловим – обод Ватаним» шиори остида ўтказилиши эълон қилинди.

Шунга қўра, сайловда Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасининг 150 нафар депутати, Сенатнинг 56 нафар аъзоси, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 50 нафар депутати, вилоятдаги шаҳар ва туманлар халқ депутатлари кенгашлари депутатлари сайланади.

Марказий сайлов комиссияси бошчилигида ҳудудий, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари томонидан бўлажак сайловга тайёргарлик қўриш ва ўтказиш билан боғлиқ барча тадбирларни амалдаги қонунчилик, сайловга оид халқаро стандартларга мувофиқ очик ва ошқора ўтказилишини таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилади.

Хулоса қилиб айтганда, янгича сайлов тизими сиёсий партияларнинг мамлакат ҳаётидаги ролини янада оширишга, улар ўртасида соғлом рақобат шаклланишига, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини таъминлашга ва демократик ислохотларни қарор топтиришга хизмат қилади.

Муҳаммадқосим ОЛИМОВ,
Ўзбекистон қасаба уюшмалари
Федерацияси Бухоро вилояти
кенгаши раиси,
Бухоро вилояти ҳудудий сайлов
комиссияси раиси

«Аёллар дафтари»ни варақлаганда

АНИҚ РЕЖА,
МОЛИЯВИЙ КЎМАК –
МУҲИМ ОМИЛ

Дастурхонларимиз тўкин-сочин-лиги она заминимиз унумдорлигига боғлиқ. Бу учун ерни қадрлашимиз, авайлашимиз керак. Токи, у нафақат бизларга, балки авлодларга ҳам ризқ-рўз етказсин. Ердан унумли фойдаланиш борасида қонунчиликда қатор ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан, 2023 йил 15 августда қабул қилинган «Тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш тўғрисида»ги қонун ушбу ишларда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Хўш, ҳаётда, амалда соҳага алоқадор қонунлар ижроси таъминланмоқдами? Тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш борасида қандай илмий-амалий ишлар олиб борилмоқда? **Ўзбекистон Фанлар академияси Генетики ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти бўлим мудири, биология фанлари доктори, профессор Бахтиёр Расулов** билан шулар ҳусусида суҳбатлашдик.

– Бахтиёр Абдугафурович, айтинг-чи, бугунги кунда миллий бойлигимиз бўлган еримиз, тупроғимиз қай ҳолатда?

– Аҳолининг кўпайиши, сув захираларининг камайиши, қишлоқ ҳўжалигида турли-туман агрозаҳарларнинг юзага келиши туфайли турли-туман муаммолар ҳам пайдо бўлмоқда. Бугунги кунда деҳқончилик, қишлоқ ҳўжалиги ҳар қачонгидан-да муҳим аҳамиятга эга стратегик соҳага айланмоқда. Бу ҳақда кам гапирилса-да, бир ҳақиқатдан қочиб қутулиб бўлмайди. Ҳар қандай давлатнинг иқтисодий ва сиёсий хавфсизлиги айнан озиқ-овқат хавфсизлигига ҳам боғлиқдир. Уларнинг асоси эса – тупроқ! Ҳа, айнан тупроқ! Озиқ-овқат хавфсизлигига эришиш учун, аввало, тупроқни ҳимоя қилишимиз керак. Чунки соғлом тупроқда юқори ҳосил бўлади. Барқарор деҳқончиликни ташкил этмоқчимизми, демак, тупроқни авайлаб-асрашимиз шарт.

Сўнгги статистик маълумотларга кўра, бугунги кунда Ўзбекистонда 4 миллионга яқин суғориладиган – деҳқончилик учун яроқли майдон мавжуд. Ҳозирда қишлоқ ҳўжалигида қимёвий воситалар граммлаб эмас, килограммлаб, тонналаб қўлланилмоқда. Бу – ўта жиддий масала. Бунинг оқибатида ерларимиз ҳосили пасайиб кетиши, ҳатто умуман экин етиштириб бўлмайдиган ҳолатга келиши мумкин.

Афсуски, ҳозирда тупроқларимизнинг аксарияти, яъни 80 фоиздан ортиги шўрланган. Шўрланиш деб, тупроқ таркибида минерал тузлар микдорининг меъёрдан ортиб кетишига айтилади. Ер шўрланиши экинларнинг ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Шўр тупроқда экиннинг ўсиши қийин. Ўсимликларнинг ҳосилдорлиги тушиб кетади. Бизда бундай ҳолатлар кўп кузатилиб, йилдан-йилга тупроқ шўрланиши ортиб бормоқда. Бунинг олдини олиш чора-тадбирлари кўрилмаётгани эса бундан-да аянчлироқ.

– Қишлоқ ҳўжалигида янги замонавий усул ва технологиялар қўлланилмоқдами?

– Афсуски, етарли даражада эмас. Қишлоқ ҳўжалигизмида ҳалигача эски усул ва технологияларга амал қилинмоқда. Янгиға ёндашув ва агротехнологиялар оммалашма-япти. Биргина мисол, бизда ҳ а л и г а ч а э к и н л а р н и о з и қ л а н т и р и ш и н г э с к и у с у л и қ ў л л а н и л а д и . Е р н и н г ҳ а р г е к т а р и г а ў р т а ч а 1-1,5 т о н н а -г а ч а м и н е р а л ўғ и т с о л и н а д и . Б у – ў т а ҳ а т о ё н -д а ш у в . Б и р и н ч и -д а н , б у н д а й м и -к -д о р д а ўғ и т л а ш м еъ -ё р и н и н г и л м и й а с о с и йўқ! Ҳ а т т о с о б и к И т -т и ф о қ д а в р и д а ҳ а м е р г а

СЎНГИ
СТАТИСТИК
МАЪЛУМОТЛАРГА КЎРА,
БУГУНГИ КУНДА ЎЗБЕКИС-
ТОНДА 4 МИЛЛИОНГА ЯҚИН СУҒО-
РИЛАДИГАН – ДЕҲҚОНЧИЛИК УЧУН
ЯРОҚЛИ МАЙДОН МАВЖУД. ҲОЗИРДА
ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИДА КИМЁВИЙ ВОСИ-
ТАЛАР ГРАММЛАБ ЭМАС, КИЛОГРАММ-
ЛАБ, ТОННАЛАБ ҚЎЛЛАНИЛМОҚДА. БУ –
ЎТА ЖИДДИЙ МАСАЛА. БУНИНГ ОҚИБА-
ТИДА ЕРЛАРИМИЗ ҲОСИЛИ ПАСАЙИБ
КЕТИШИ, ҲАТТО УМУМАН ЭКИН
ЕТИШТИРИБ БЎЛМАЙДИ-
ГАН ҲОЛАТГА КЕЛИШИ
МУМКИН.



ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ДУНЁ ГИГАНТИГА АЙЛАНИШИМИЗ МУМКИН

бунча кўп ўғит берилмаган. Шу ўринда бир нарсани таъкидламоқчи-ман. Тупроққа минерал ўғитлар қўлланилганда, албатта, ер суғорилиши керак. Чунки ўғит сувда эригандагина ўсимликка сингиб, ўзлашади. Дала суғорилмаса, минерал ўғит тупроқ юзиде қолавереди. Яна бир жиҳат борки, шўрланган тупроққа минерал ўғит солиб бўлмайди. Сабаби, бу шўрланишни кучайтиради! Минерал ўғитнинг ҳам, тупроқдаги шўрнинг ҳам асоси – туз. Бу каби мисоллар амалиётнинг илмдан қанчалик узаклашиб кетганини кўрсатиб турибди.

– Йиллар давомида турли қимёвий ўғитлар билан «заҳарланган» тупроғимизни «даволаш», ўзига «келтириш» борасида илмий ишланмалар қилинганми? Қимёвий ўғитлар ўрнига табиий аналоглар яратилмадими?

– Ўзбекистон илмий-тадқиқот институтларида ерни янгиға озиклантириш усуллари, янги авлод ўғитлари бўйича кўплаб ишланмалар яратилган ва зарур ташкилотларга тақдим этилган. Лекин улар неғадир оммалашмапти. Биз ҳалигача иқтисодий жиҳатдан кам фойдали усуллар асосида деҳқончилик қиляпмиз. Устиға-устак, тупроқни заҳарлашда давом этапмиз.

Фанлар Академиясининг қатор институтларида ўзбек олимлари томонидан биологик ва органик ўғитлар яратилган. Улар минерал ўғитларга қараганда анча арзон. Қолаверса, экологик жиҳатдан ҳам жуда мақбул, улар атроф-муҳитга умуман зарар етказмайди. Уларнинг истиқболли ўғитлиги аллақачон исботланган. Биз, ўзбек олимлари – шўрланган тупроқлардан ноёб ҳусу си я т л и – ҳаводига азотни ўзлаштирувчи ва уни ўсимликка қулай бўлган биологик азотга айлантириб берадиган бактериялар асосида «Биоазот» биологик ўғитини яратдик. Унинг нархи арзон ҳақда ўсимликка тез

таъсир қилади. Айниқса, у шўр тупроқ ҳосилдорлигини оширишда қўл келади. Ушбу биологик ўғитимиз қатор фермер ва деҳқонларнинг эътиборига тушди.

– Табиий, биологик ўғитларнинг афзалликлари, органик маҳсулотлар етиштиришнинг фойдалари борасида ҳам тўхталсангиз. Бу усуллар юрти-мизда қўлланилмоқдами?

– Биологик ўғитларнинг таркиби фаол балчик, фосфор ўғити, органик ташкил этувчилар ҳамда ўз ичига микроскопик тупроқ замбуруғлари навларини олган фойдали микроорганизмлар йиғиндисидан тарқиб топган. Ушбу микробиологик ўғитлар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси микробиология институти олимлари томонидан яратилган бўлиб, атроф-муҳитга зарарсиз, экологик тоза, арзон, сақлашга ва ишла-тишга қулайлиги ҳамда юқори самардорлиги билан ажралаб туради. Микробиологик ўғитларни тўғридан-тўғри тупроққа солиш, сув билан оқизиш, уруғни намлаб экиш, вегетация даврида ўсимликларга пуркаш ёки экишдан олдин тупроққа солиш ҳам мумкин. Биологик ўғитнинг афзаллиги шундаки, у шўр тупроқда ҳам ҳосил олиш имкониятини оширади.

Биологик ўғитларни қўллашнинг яна бир иқтисодий жиҳати бор. Айнан биоўғитлар асосида экологик соф ҳисобланган органик маҳсулот етиштирилади. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида органик маҳсулотга талаб жуда юқори. Энг аҳамиятлиси шуки, органик маҳсулот анъанавий усулда етиштирилган ҳосилга қараганда 3-4 марта қиммат нархга сотилади.

Бу тажриба бизда қўлланилса, қатор имкониятлар эшиги очилади. Негадир қишлоқ ҳўжалигига маъсул аксарият раҳбарлар органик маҳсулот етиштиришга рағбат кўрсатмаяпти. Бу янгиликдан қўчишим ёки илмга ишонмаслиқми, билмадим.

Қизғи, Ўзбекистонда оз бўлса-да, органик маҳсулот етиштирилади. Халқаро сертификатларга ҳам эришилди. Олимларимиз яратган биотехнология асосида «АРТСОФТ» кластери органик бугдой ва пахта толаси етиштириб, халқаро сертификат олди. Шунингдек, ушбу усулда етиштирилган пиез Уммонда органик маҳсулот деб топилди. Қўриб турганингиздек, органик маҳсулот ишлаб чиқаришнинг истиқболи жуда юқори. Менимча, қишлоқ ҳўжалиги мутасаддилари органик маҳсулотларнинг афзалликларини бир кун тушуниб етишлари керак. Ўзбекистонда ҳам биологик ўғитлар оммалашса, унда шўр тупроқларда ҳосил олиш имконияти янада ошади. Бу озиқ-овқат барқарорлигини таъминлашда муҳим қадам бўлади.

– Биологик ўғитлар билан минерал ўғитлардан фойдаланишда хориж тажрибаси борасида ҳам тўхталсангиз.

– Хориж қишлоқ ҳўжалигида аллақачон янги усулларга ўтилган. Тупроққа тонналаб ўғит солимайди, ўша ўғитнинг ўндан бири суспензия қилиниб, баргидан юборилади. Яъни, ноанъанавий озиклантириш методларига ўтилган ва бу ўзини ҳам иқтисодий, ҳам экологик жиҳатдан тўла оқлаган. Хорижда биологик ўғитлар кенг қўлланилади. Уларни алоҳида ёки минерал ўғитлар билан биргаликда қўллаш усуллари ҳам мавжуд. Ҳиндистон, Покистон, Хитой, АҚШ ва Европа давлатларида азот ўзлаштирувчи бактериялар асосидаги биоўғитлар узок йиллардан бери ишлатилмоқда.

Биргина Хитой тажрибасини олайлик. Хитойнинг айрим ҳудудларида пахтадан гектара ўртача 70-80 центнер ҳосил олинади. Сабабларини ўргандик. Аввало, пахта зич экилади, иккинчидан, минерал ўғитлар билан бир қаторда биоўғитлар кўп қўлланилади. Пахта етиштирадиган АҚШ, Миср ёки Австралияда ҳам биоўғитлар минерал ўғитлар билан биргаликда қўлланилади. Бангладеш, Ҳиндистон ёки Вьетнамда фермерлар фақат биоўғитлар ёрдамида ҳосил олишлари маълум.

– Мамлакатимизда ерларимизни хорижликларга ижарага бериш тажрибаси қўлланилмоқда. Айтинг-чи, хорижликлар ерларга нисбатан тўғри муносабатда бўлмоқдами?

– Ерларни хорижликларга ижарага бериш – дунё тажрибасида бор амалиёт. Бундай ёндашув Ўзбекистонда ҳам татбиқ этила бошланди. Хорижликлар капиталли ёрдамида айрим вилоят ва туманларда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирилмоқда. Агар ерга тўғри, оқилона муносабатда бўлинса, бу нур устиға нур, албатта. Бунинг акси бўлса-чи? Айрим давлатлар тажрибасидан маълумки, хорижликларга берилган ерларнинг экологияси жуда ёмон бузилган, тупроқ унумсиз ҳолга келган. Бунга сабаб инвесторнинг фақат манфаат ортидан қувиб, ерга керагидан ортиқ кучли минерал ўғитни

ишлайтиши. Яқинда шунга ўхшаш ҳолатни соҳа маъсулларидан бири Фейсбук саҳифасида қолдирган постда ўқидим. Унда ёзилишича, хорижликлар Андижон вилояти Улугнор туманида гўза ривож и ортда қолаётгани ва жидан биостимуляторлар ёрдамида жараёни тезлаштиришмоқчи бўлишган. Чет элликларнинг қандай қимёвий воситалардан фойдалангани эса номаълум. Бу воситаларга давлат томонидан рұхсат берилган-берилмагани эса бизга қоронғи.

Аслида, қишлоқ ҳўжалигида қимёвий ва биологик воситаларни қўллашга Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва карантини агентлиги рұхсат бериши керак. Ҳар қандай минерал ўғит дала шароитларида синалиб, экотоксикологияси ва СЭС талабларига мувофиқ келсагина рұхсатнома (сертификат) олади. Ўсимликларнинг ўсишини тезлаштирувчи ва ҳосилдорлигини оширувчи, аммо ўта зарарли бўлган қимёвий бирикмалар ҳам мавжуд. Бу бирикмаларнинг атроф-муҳит ва одамларга таъсири тўлиқ ўрганилмаган. Айримларининг таркиби эса номаълум, улар ҳақида очиқ маълумотлар йўқ. Бундай муносабат аҳоли соғлиғи ва экологияни хавф остиға қўйишдан бошқа нарса эмас.

Қишлоқ ҳўжалиги стратегик аҳамиятга эга. Айниқса, озиқ-овқат хавфсизлиги мамлакат учун жуда муҳим масаладир. Шундай экан, тақлифим – хорижлик қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни Ўзбекистон қонунчилигидан хабардор қилиш зарур. Уларга рұхсат этилган қимёвий ва биологик воситаларни олиб кириш ёки қўллаш мажбуриятини юклаш керак. Зарарли қимёвий ва биологик воситалардан фойдаланишни қатъий тақиқлаш шарт. Уйлайманки, тегишли идораларнинг мутасаддилари бу масалаларга эътибор беришади.

– Дунё бозорида хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотларига талаб юқори. Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ҳам бу тоифага қира оладими?

– Бугунги кунда озиқ-овқат хавфсизлиги дунёдаги долзарб масалалардан биридир. Шунинг учун ҳам қишлоқ ҳўжалигини стратегик соҳа деймиз. Ривожланган дунё бозорида хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотларига талаб ошса-ошадики, қамаймайди. Бугун аксарият қишлоқ ҳўжалиги етиштирувчилари экологик тоза (органик сертификатли) маҳсулотларга бежиз эътибор беришмаяпти. Қўлидан келган-келмаган, шароити етган-етмаган давлат органик маҳсулот етиштиришга ўтмоқда. Ҳатто, ўсимлик вегетацияси учун ноқулай минтақалар (айниқса, Европанинги шимоли) ҳам аллақачон экологик соф маҳсулот етиштиришга киришган. Қатор Европа давлатлари, жумладан, Голландия, Германия, Франция, Испанияда анъанавий қишлоқ ҳўжалигига янги усуллари татбиқ этилиши билан ҳосилни етиштиришга сарфланадиган харажатлар бир неча марта камайган. Фойда эса бир неча марта ортиган. Сабаби оддий – органик маҳсулот анъанавий маҳсулотдан камида 3 баробар қиммат. Янги қишлоқ ҳўжалигининг шори ҳам шунга мос: «Қам харажат, юқори даромад!».

Органик маҳсулот етиштироқчимизми, албатта, тупроқнинг соғлиғини – ҳар хил заҳарлардан ва минераллардан ҳоли сақлашимиз керак. Бугун тупроқнинг сифат ва микдор таркиби ҳар қачонгидан-да муҳим. Етиштираётган маҳсулотларимиз сифати, дориланганлик даражаси юқорилиги боис жаҳон бозори талабларига жавоб бера олмапти. Экспорт имкониятларимиз бўла туриб, мева-сабзавотларимизни, дон-дунимизни чет элга жуда кам миқдорда сотапмиз.

Қолаверса, юртдошларимиз ҳам хавфсиз, безарар маҳсулотларни истезмол қилишга ҳақли. Мамлакатимизнинг яқин беш-ўн йилликда минтақа озиқ-овқат хавфсизлигини белгилашда муҳим роль ўйнаовчи иқтисодий сисётга эҳтиёжи бор. Чунки нафақат мамлакатимиз фуқаролари, балки Япония, Жанубий Корея, Малайзия каби кучли Осиё давлатлари ҳам биздан сифатли, безарар маҳсулотларни кутишмоқда.

Демак, бизда йирик ишлаб чиқарувчи бўлиш имконияти мавжуд. Бу эса кўп жиҳатдан давлатнинг ўзига ҳос имижини шакллантиришга ҳам хизмат қилади. Мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги имкониятлари шунчалар кенгики, агар тўғри йўлга тушиб оласак, бу соҳада дунё гигантларидан бириға айланишимиз турган гап!

«ISHONCH» муҳбири
Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА
суҳбатлашди

НИЗОНЧА

Радиоэлектронразведка ўтган асрнинг 20-йилларида кашф этилган эди. Ўшанда бир неча илғор мамлакатда хонадонлардаги суҳбатларни ёзиб оладиган диктофон ва микрофонлар яратилади. 30-йилларнинг охириға келиб, совет маҳсул хизматлари хорижий элчихоналар махфий маълумотларни тўплайдиган мўъжаз ускуналарга эга бўлади. Қўлга қиритилган ахборотлар шахсан Ички ишлар халқ қўмитаси – НКВДға тақдим этиларди.

НКВД ва НКГБ (Давлат хавфсизлиги халқ қўмитаси)нинг маҳсул гуруҳлари 1943 йил Техрон ва 1944 йил Ялтада Черчилль ва Рузвельтнинг ёпиқ музокараларини ҳамда иттифокдош давлатлар раҳбарларининг халқаро конференцияларидаги чиқишларини ёзиб олишға муваффақ бўлишган. Бу суҳбатлар ҳеч кечиктирилмасдан ҳар кун Сталинға етказиб турилган, у эса бу муваффақиятли ишдан гуруру туяр эди. Ана шундан кейин маҳсул хизматлар ичиде мулоқотларни тиянглайдиган алоҳида бўлим, кейинроқ эса бошқармалар ташкил этилади.

1953 йилда Москванинг Чайковский кўчасида АҚШнинг янги элчихонаси биносини қуришға киришилади. Табиийки, америкаликлар эҳтиёт чораларини кучайтирадилар: суҳбатни ёзиб олувчи жиҳоз ўрнатилишининг олдини олиш мақсадида, ҳатто, иншоотға келтириладиган қурилиш материаллари диққат билан текширилар, барча қурилиш-монтаж ишлари

кучли назорат қилинар эди. Хавфсизлик хизматлари бу вазифани олий даражада уddалаганлари тўғрисида Вашингтонға ҳисобот берадилар. 1964 йилға келиб, америкаликлар энг замонавий жиҳозлар билан ҳам аниқлаб бўлайдиган тахминан элликта «тингловчи-ёзиб олувчи ускуна»дан хабар топадилар. Таҳлиллар қурилиш маҳсулотларига заводнинг ўзида кўз илғамас жиҳозлар «жойлаштириб келинганини» кўрсатади. Бунёдорлик материаллари «тайёр» ҳолда қурилиш майдониға келиб тушаверган...

1976 йилда Қўшма Штатлар элчихонасида яна бир жосуслик иши фoш этилади. Шифрли-махфий ёзувларни ўқийдиган хонанинг иссиқлик батареясида ажойиб антенна топиб олинади. Советларнинг маҳсул хизматлари уч йил давомида америкалик дипломатларнинг ёзишмаларини ортиқча ташвишсиз ўқиб ўтиришган...

Америка дипломатик ваколатхонаси мутахассислари 1984 йилда ўн учта электрон ёзув машинаси ичиде маҳсул «жиҳозлар»ни «қўлга қиритишади».

Навбатдаги шармандалик 1987 йилда юз беради. Америка разведка тарихида сержант Лоунтри ва капрал (ҳарбий раҳбар) Брейси, деган шов-шувли иш бор. Москвадаги элчихонани қўриқлайдиган икки денгиз пидёасининг совет разведкаси билан алоқаси борлиғи фoш бўлади. Терговда Лоунтри ва Брейси сигнализацияни ўчириб туриб, икки рус мутахассисини Давлат департаменти, Марказий разведка бошқармаси ва Миллий хавфсизлик агентлиғи томонидан йўлланадиган махфий ҳужжатларни ўқийдиган маҳсул хонани очиб берганликларини бўйниларига оладилар. Ваҳоланки, мазкур хона ўша замон хавфсизлигини таъминлайдиган энг юқори даражадаги ускуналар билан жиҳозланган эди. Бунинг устиға, хона баланд бинонинг тўққизинчи қаватида жойлашганини ҳам таъкидлаб қўйиш керак.

Мазкур кўнгилсиз воқеадан сўнг элчихонадаги барча маҳсул ускуналар 120 та контейнерға юкланиб, Москвадан олиб чиқиб кетилган.

Бундан ташқари, компьютерлар ва принтерларни текширган Миллий хавфсизлик агентлиғи экспертлари кўплаб жосуслик «жиҳозлари»ға дуч келадилар. Махфий ахборот ёзилгач, у шифрлаш жараёниға етиб бормасидан... Москвада у билан танишиб олишға улгуриларди. Яна ҳам қизғи, ускуналар батареялар воситасида ишлаши эди. Демакки,


уларнинг доимий равишда алмаштириб турилиш шарт бўлган...

Бу маҳсул хона шу даражада қаттиқ қўриқланганидан унинг ичига пашша ҳам учиб қиролмас эди.

Кейинроқ Американинги Москвадаги элчихонасида яна бир воқеа содир бўлади. Алоҳида хизматлар қандайдир фантастик-ғаройиб усулда маҳсул хонадаги электр симларини ўзгартиришға муваффақ бўладилар. Натижада хавфсизлик хизмати вакиллари элчихона қаршисидаги бинода ўтириб олиб, ахбороти тўплаверишган. Ана шундай кетма-кет муваффақиятсизликдан кейин АҚШ Давлат департаменти барча махфий ҳужжатларни қуруёр орқали сургўчланган ҳолда жўнатишға қарор қилади.

1992 йилда қиска муддат Давлат хавфсизлик қўмитаси раиси бўлган Бақатин Америка элчихонаси биносидеги барча «тингловчи жиҳозлар»нинг харитасини тақдим этади...

Аброр ХОН



Тарихнинг
сирили
саҳифалари



Кувончбек Тўраев олган суратлар



Махмуд ТОИР,
Ўзбекистон
халқ шоири

Париждан таралди Ўзбекнинг нури

«Париж-24» Паралимпиада ўйинлари
голиб ва совриндорларига!

Хушxabар муборак ўзбек элига,
Шукрин, нурин тўқар очган қўлига,
Шодлиги сиймайди бугун дилига,
Кувонч қўша келса, қўтлагинг келар,
Қаддинг тутиб, қадринг бутлагинг келар.

Ҳеч қачон сўнамсин миллатнинг қўри,
Ғолиблик сурури, мардлик сурури,
Париждан таралди ўзбекнинг нури,
Шоирман, бу бахтини қовозга солдим,
Тарих дафтарига битилди мангу,
Кўклаган кўнглимни парвозга солдим.

Ҳақ деган бандасин қўллайдди Худо,
Асила натижа кўрсатди аъло,
Оламга таралди рекорддан садо,
Тарих дафтарига битилди мангу,
Биринчи олтиннинг соҳибаси у!

Қудратилла қудратин кўрсатган ўғлон,
Ёрқинбек юрт аҳлин яйратган ўғлон,
Элбек мадҳиямиз янграган ўғлон,
Бу улуг кўнларни ким қилмас орзу,
Ўзбек ўғлонларин насибаси у.

Асадбек алпларнинг арслони бўлди,
Ғолиблик рутбаси, унвони бўлди,
Орзу осмонининг нарвони бўлди,
Бутун жаҳон билса ўзбек номини,
Биз нега тутмайлик қувонч жомини!

Хусниддин дунёга довруғ сололди,
Уч қарра олимпнинг олтинин олди,
Қолди у, ўзбекнинг қалбида қолди.
Хайратга солганда жумла жаҳонни,
Нечун шарафламай бундай ўғлонни?!

Токио рекордин янгилаб қўйган,
Бобурлар азалдан Ватанини суйган,
Шерзод ҳам шу қувонч наъшасин туйган,
Нурига тўлдириб турган майдонин,
Бошига қўтарди миллати шонин.

Толиббой рекорди Тангри туҳфаси,
Нурхонни нур қилди ғолиб лаҳзаси,
Ун бора товланди олтин халқаси,
Юртбоши матрабин янграгандингиз сиз,
Матонат мактабин яратдингиз сиз!

Кумуш соҳибларин қўйламай бўлмас,
Уларнинг кўнглига бўйламай бўлмас,
Гулжан, Кубарони – сийламай бўлмас,
Кўкка сиймай қолар Сервери борлар,
Зиёда ибратин зиёси порлар.

Кумушхон кумушин ётга бермади,
Рўза шоҳлигини мотга бермади,
Кенжабой Шаҳина четда турмади,
Миллатин ойлари – ойдин ойларим,
Сизга таъзимдамиз Кумушойларим.

Арпами, бугдойми – бари дон ахир,
Бронза шодаси бу ҳам шон ахир,
Минглаб рақибларга бу армон ахир,
Келинг, элдошларим, қўтланг қўшқўллаб,
Ғолиблар бахтини, умрини тилаб.

Илк медаль соҳиби Муслима эди,
Темир ва Учқунлар сафдамиз деди,
Моҳигул – эл қизи, эл ғамин эди,
Оврупода ўзбек шитоби порлар,
Шеър битсам, сўзимнинг офтоби порлар.

Юртбоши қўтлови – юртнинг қувончи,
Халқнинг ифтихори, халқнинг ишончи,
Суҳбатни қўзлардан томдирди томчи,
Миллат кўксидидаги тоғин хуш кўрдик,
Шодликка сиймаган чогин хуш кўрдик.

Янги Ўзбекистон – янги шон билан,
Кун сайин юксалар пок ишмон билан,
Беллашиб турибди бор жаҳон билан,
Жаҳон ҳам тан олиб эврилгани бу,
Сийсат меҳрга йўрилгани бу.

Шунчаки керилмас ўзбеклар ҳеч вақт,
Ҳалоллик уларга бобомерос аҳд,
Икки олимп тутган Париждаги тахт,
Одил ниятининг ижобати бу,
Оқил раҳнамосин саодати бу!



Рустам
МУСУРМОН,
Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган
маданият ходими,
Қорақалпоғистон
халқ шоири

Ҳаммадан кучлироқ, ҳаммадан тезроқ,
Ҳаммадан баландроқ¹ – азалий даъват.
Ғолибларни тоғдек қўтарди тупроқ,
Дунё ботирларга тутди гулсават.

Маънавий кучлироқ, маънавий тезроқ,
Маънавий баландроқ бўлмоқ муҳим шарт.
Ер бўлмас қоқи ўт паридек тўзғоқ,
Олам бутун бўлур, Одам бўлур мард!

Ҳамон ҳақ-ноҳақни ажр этар майдон,
Ҳамон кураш борар ор-номус учун.
Ҳамон қадри учун қайғурар инсон,
Ҳамон эзгуликка интилар очун.

Ҳаммадан узоққа сакрадинг, жайрон,
Олтин шоҳсупага ғалабанг пайванд.
Сенинг шарафингга қўтарди жаҳон
Ўзбек байроғини ҳаммадан баланд.

Йиғлайман дўппимни отиб осмонга,
Қувнайман юрагим кўз ёшга тўлиб.

Музаффар инсон

Паралимпия чемпиони
Асила Мирзаёровага!



Қадимги Олимпдан янги замонга
Мағрур сакраб ўтдинг Фемида² бўлиб.

Олимпдан илоҳлар тушди қошинга,
Хушбўй атир сепди француз бека.
Асила қизим деб, сенинг бошингга
Зафар гултожини кийдирди Ника³.

Бу майдонда бой ва ғариб баробар,
Музаффар инсонни қўтлайди инсон:
– Ғалабанг муборак бўлсин, биродар!
Бирлашсак – жаҳонмиз, бирлашсак – жаҳон!



Зулфия
МУМИНОВА,
Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган
маданият ходими

Дуо берган, ишонч берган Ўзбекистоним, раҳмат!

Раҳмат, Паралимпиада, раҳмат сенга, ҳақиқат,
Раҳмат, Ватан шаънини даст қўтарган ўзбеклар.
Тиз устидан ўтганлар, юрт байроғин ўтганлар,
Юраги гул ўзбеклар, жони темир ўзбеклар.

Раҳмат, Паралимпиада, раҳмат сенга, ҳалоллик,
Бизни билмаган дунё, ассалому алайкум.
Ўзбекистон мадҳиясин қайта-қайта эшитиб,
Бизга тан берган дунё, ассалому алайкум.

Раҳмат, ҳар бир спортчини ниҳол каби авайлаб,
Олимпга олиб борган Ўзбекистоним, раҳмат.
Ҳар бирининг қошида врачлар, мураббийлар,
Волонтерлар, хизматчилар – меҳрли жоним, раҳмат.

Отадек қучоқлаган, онадек авайлаган
Эй, меҳр дунёсиди даҳоликларим, раҳмат.
«Ўзбекистон ютди» деб ярим тун қарнай чалган,
Водийликларим, раҳмат, воҳаликларим, раҳмат.

Зарафшоннинг олтинларин бегона қилмаганлар,
Оналарнинг бағридаги тилла қонларим, раҳмат.
Мадҳиямиз янграганда қувончидан жим йиғлаган,
Оталар жонидидаги гурур, шонларим, раҳмат.

Раҳмат, Паралимпиада, раҳмат, инсоний бардош,
Асилахон, Муслимахон, Элбек Султоним, раҳмат.
Ёрқинбек, Қудратилла, Гулжаною, Толиббой,
Икки қарра чемпионим – Бобур Омоним, раҳмат.

Ўзбекистон байроғини қуёш қадар қўтарган,
Хусниддин Норбек, раҳмат, Шерзод Номозим, раҳмат.
Дуо қилган боболар, дуо қилган момолар,
Устозлар, мураббийлар, ташаккур, таъзим, раҳмат.

Юрагида олтинлари болалаган маконим,
Ўттиз олти миллионим, жон ичра жоним, раҳмат.
Спортчисин боласидек азиз кўрган Юртбошим,
Дуо берган, ишонч берган Ўзбекистоним, раҳмат!

MYACCIS:

Ўзбекистон
қасба
ушшмалари
Федератсияси

ISSN 2010-5009

2007-йил
11-январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида 116-рақом
билан рўхсатга олинган.

«Ishonch» va
«Ishonch-Doverie»
gazetalari
tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMONOV,
Anvar ABUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G'OIYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV
(Bosh muharrirning
birinchi o'rinbosari),

Mehridin SHUKUROV
(Mas'ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK
(Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti –
(71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot –
(71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy
qadriyatlar va sport –
(71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar
bilan ishlash –
(71) 256-85-43
Marketing va obuna –
(71) 256-87-73

**Hududlardagi
muxbirlar:**
Qoraqalpog'iston
Respublikasi –
(+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati –
(+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati –
(+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati –
(+998-99) 500-05-12
Jizzax viloyati –
(+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati –
(+998-99) 889-98-02
Samarqand viloyati –
(+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati –
(+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati –
(+998-99) 379-19-70
Toshkent viloyati –
(+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati –
(+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati –
(+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati –
(+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan
ma'lumotlarda manba
sifatida gazeta nomi
ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat
nuqtai nazaridan
farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir:
J. Nahanov

Musahhihlar:
D. Xudoyberganova,
D. Ravshanova

Sahifalovchi:
H. Abdullajilov

Bosishga topshirish vaqti – 01:40
Topshirildi – 02:10

Bahosi kelishilgan narxda

Manzili:
100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba,
payshanba va shanba
kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning
kompyuter markazida
teriladi va sahifalandi.

Nashr ko'rsatkichi: 133

Umumiy adadi
35 027ra

Shundan:
7 145 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasi –
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi,
41-uyda;

19 083 nusxasi
«Erudit» MCHJ
bosmaxonasi –
Samarqand shahri,
Spitamen ko'chasi,
270-uyda;

8 799 nusxasi
«Poligraf-Press»
MCHJ bosmaxonasi –
Marg'ilon shahri,
Turkiston ko'chasi,
236-«b» uйда
chop etildi.

Gazeta ofset usulida,
A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma G-911
1 2 3 4 5 6

¹ «Citius, altius, fortius» (lotincha) – «Тезроқ, баландроқ, кучлироқ» деган хикматли сўз 1894 йилдан бошлаб Олимпиада ўйинлари шioriга айланган.
² Фемида – қадимги юнон мифларида тақдир ва адолат илоҳаси. Унинг кўзлари боғланган, бир қўлида тарози, бир қўлида қилич бўлган.
³ Ника – ғалаба илоҳаси.